

## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 429-ҳадис

429/756 – عَنْ عَبْدِ بْنِ الصَّامِتِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا

صَلَاةَ لِمَنْ لَمْ يَقْرَأْ بِفَاتِحَةِ الْكِتَابِ».

429.756 Убода ибн Сомит розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Фотиҳатул Китоб\*»ни ўқимаганнинг намози йўқдир**», дедилар.

\* Фотиҳатул Китоб – Фотиҳа сурасининг номларидан бири бўлиб, «Қуръон очқичи» деган маънони англатади.

\* Уламолар бу ва шунга ўхшаш ҳадислардаги «намози йўқ», «иймони йўқ» каби ибораларда ўша намоз ва иймоннинг комил шакли назарда тутилган, дейишади. Масалан, «Омонати йўқнинг дини йўқ», деганда комил диндорлик назарда тугилади, буткул динсизлик эмас. Шу боис ҳанафий мазҳаби уламолари намозда Фотиҳа сурасини ўқишни вожиб, дейишган.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI